



Куръони каримда “энг гўзал кисса” дея таърифланган Юсуф алайхиссалом саргузаштини назм силкига тортиш ва туркий халкларни Буюк Мухаббат киссаси билан янада якинрок таништириш Навоийнинг амалга ошмай колган орзуларидан эди. Жумладан, “Тарихи анбиё ва хукамо”да бу бобатда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Юсуф алайхиссалом киссаси андин машхурроқдурким, эхтиёж анинг тафсилина бўлмай, невчунки гаробат ва ширинлиги учун акобир ҳам назм ва ҳам насрда анинг шархин тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар... Бовужуди булар бу бибизоатки, ҳам иборат рокимидур, коми хотирга бу орзуни кечурурким, иншооллох умр омон берса, турк тили била-ўк кофурчун варак узра хомаи мушкин шамомани сургай. Ва бу кисса назмин ибтидо килиб, интихосига еткургай...” Лирик мероси ва дostonларини кўздан кечирганимизда ҳам маълум бўлдики, Юсуф – хазрат Навоийнинг севимли тимсолларидан бири. Шу билан бирга, бу пайгамбарнинг саргузашти факат ижод учун илхом манбаи бўлиб колмасдан, Навоийнинг давлат арбоби сифатида фаолият юритиши, колаверса, баркамол инсондек хаёт кечиршида ҳам ўртак бўлган. Бежиз эмаски, Мавлоно Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonида сўнги боб “Бу дostonдаги Юсуф тимсолидан мурод – Мир Алишер Навоий эканлиги баёнида” деб номланган. Куръонда Юсуф кўйлаги хакида уч жойда сўз борилади. Биринчиси, Юсуф (а)нинг ўгай биродарлари рашк ва хасаддан уни алдаб, сайрга олиб бориб, кудукка ташлаб, ёлгондан “Юсуфни бўри еб кетди”деб, конга бўяб, оталари – Яъқуб (а) олдига олиб келган кўйлакдир (Юсуф сураси, 7-18-оятлар). Иккинчи кўйлак киссаси эса, куйидагича: Юсуф (а)ни куллар бозоридан сотиб олган Миср шахри хокимининг хотини Зулайхо унга ошики бекарор бўлиб, уни йўлдан урмокчи бўлади. Юсуф(а) рад этиб, ёпилган эшик томон кочади. Зулайхо Юсуф (а)га етиб олиб унинг кўйлагини орка томондан йиртиб юборади (Юсуф сураси, 20-29-оятлар). Учинчи кўйлак эса, Яъқуб (а)нинг ўз фарзанди гамида йиглайвериб окарган кўзларининг очилишига сабаб бўлган (Юсуф сураси, 93-96-оятлар). Куйидаги байтда эса, Яъқуб (а)нинг олдига келтирилган икки кўйлак – бири кўзи кўр бўлишига, бири ёруг дунёни яна кўришига сабаб бўлган кўйлак киссасига талмех килинган:

Ёр хажрига даво гулдин эмаским, бермас  
Кимсага Юсуф иси кон аро хар пора камис.

Камис – кўйлак демак. Байтнинг насрий табдили “Конга бўялган хар кандай кўйлакдан Юсуф иси келмаганидек, хижрон дардига мубтало бўлган ошикка кизил гуллар даво бўлмас” шаклини олади. Унда лирик кахрамоннинг рухияси Яъқуб (а)нинг холати билан киёсланмоқда. Яъқуб (а) киссаси – хузн ва хусн, хижрон ва висол, гусса ва шодлик, кўркув ва умид каби карама-карши туйгуларнинг уйгунлашган кўриниши баён этилган кисса. Конли кўйлак – фирок нишонаси бўлса, Юсуф юборган кўйлак – шодлик ва висол белгиси. Ўз ёридан айро тушган лирик кахрамонга ҳам бахор фасли ва гулзор сайри кўнгил дардига даво бўлмайди. Аксинча, Юсуф биродарларининг конга бўялган ёлгонлари умри киска бўлганидек, гулнинг кизил ранги ўткинчи хавас, бебако гўзаллик нишонаси сифатида кўзига ташланади. Гул – моддий оламнинг ёлгон жилвалари. Кўзга чиройли кўрингани билан Хакикий Ёр ишида бемор бўлган кўнгил уйида унга жой йўк. Ишк бемори бўлган кишига кизил гулни кўриб, гўзал сабр килишдан ўзга чора йўк, чунки Дард ҳам Ундан, Даво ҳам, Вафо ҳам Ундан, Жафо ҳам. Хакикий ишкка ёлгонни аралаштириб бўлмайди, бу гўзал дардга мубтало бўлган кўнгилни ҳеч кандай ботил ҳақ йўлидан адаштиролмайди. У Юсуфнинг нажотбахш исини бошка кўйлақлардан топиш мумкин эмаслигини жуда яхши англайди. Аммо шу билан бирга, кизил гул кайсидир маънода махбуб жамолини эслатиши унинг кўнглига таскин беради:

Хабибим истаю гулшан аро хар дам гул ислармен,  
Мени Юсуфдин айру килди конлиг кўйлаги хурсанд.

Ўгиллари Юсуфнинг бирор жойи йиртилмаган кўйлагини конга бўяб, олиб келиб кўрсатганларида Яъқуб (а) шундай дейди: "Йўк! Сизларга хавойи нафсларинг бирон ёмон ишни чиройли килиб кўрсатган.Энди менинг ишим чиройли сабр килмоқдир".-Юсуф сураси,18-оят.

Яъқуб (а)нинг ўз фарзанди бўлмиш Юсуфнинг бошка фарзандларидан кўра кўпроқ яхши кўриши ва уни еру кўкка ишонмаслиги – шунчаки ота ва ўгил ўртасидаги мухаббат эмас. Унинг мухаббати айрим ота-оналарнинг кайсидир фарзандига “бошкача” меҳр кўрсатишларига ўхшамайди. Яъқуб алайхиссалом – Аллохнинг барҳақ пайгамбари. У зот Юсуф сиймосида Хакнинг жамолини мушоҳада этарди, унинг нурли истикболи, ўз кавмини хидоят йўлига бошловчи зот – пайгамбар бўлишидан бохабар эди. “Орифлар айтишларича, гўзаллик икки навдир – зохирий гўзаллик ва ботин гўзаллиги. Зохирий гўзаллик ташки кўриниш кўркамлиги, чиройли хусн ва хуш коматдир, ботин чиройи эса, хушхулклик ва гўзал сийратдандир.”

Яъқубнинг мухаббати, табиийки, атрофидагилари, жумладан, бошка ўгиллари учун бегона эди. Бегоналик, билмаслик – заифлик нишонаси. Рашк, ҳасад, кўркув, хиёнат ана шу заифликдан келиб чиқадиган ходиса. “Парвардигор Юсуф биродарларига унинг зохирий хуснини кўрсатди, ундан ортигини кўролмадилар, шул сабабдан, кул сифатида арзимас бахога сотдилар. Аммо Парвардигор Юсуфнинг гўзал сийратидан озгина кисмини Миср Азизига кўрсатганидан у хотинига: “Уни яхшилаб жойлаштиринг,” – деди.

Бас, олам ахли билсинким, Парвардигор олдида зохирий чирой эмас, балки ботин гўзаллигининг кадру манзалати юксакдир.” Шу сабабдан, йиртилмаган кўйлакни кўрган Яъкуб (а) фарзанди Аллох таоло панохида эканлигини билиб, бир томондан, фирок ўтида куйса, иккинчи томондан, бу фирок ҳам ўткинчи эканлиги калбида умид чирогини ёккан.

Навоийнинг пок назари мажозий гўзалликда айни хакикатни кўради, дунё гўзалликларига басират кўзи билан карайди. У ҳам гулнинг чиройи, табиатнинг мафтункорлиги сиррини Парвардигор нурининг тажаллийси туфайли, деб билади. Ишк ўтида ўртанган кўнгли Мутлак Гўзаллик нишонларини кўрганда таскин топгандай бўлади. Зотан, Жалолиддин Суютий айтганидек, “Илох мўъжизалари кўзга кўринмасдир, улар суюкли бандаларига кўрсатилур.” Навоий ботин гўзаллиги мўъжизаларини кўриш саодатига мушарраф бўлган калб кўзи очик зотлардан эди. Хожа Абдуллох Ансорий “Кашф ул-асрор”ида кўнгил хакида шундай фикрлар битилган: “Кўнгилнинг беш кават пардаси бор: биринчиси, кўкрак кафаси пардасиким, ислом аҳди қарор топган жойидир, иккинчиси – калб пардаси иймон нури махаллидир, учинчи парда фуод (юррак) пардаси бўлиб, бу парда Хак назаргохидир, сир пардасида ихлос хазинаси жойлашган, бешинчи парда шагоф (кучли эхтирос) пардасидирким, Ишк ва Мухаббат кўнадиган макондир”. Мухаббат – кўнгил амри, калб иши. Калб (арабчада кўнгил маъносини ҳам билдиради) хакида хотамуланбийнинг куйидаги хадислари “Калб ўзгариб турганлиги сабабли калб деб аталган. Калб мисоли сахродаги бир дарахтнинг танасига ёпишган бир паркуга ўхшайди. Шамол уни гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка ағдаради”. Навоий лирик қахрамонининг Калби ҳам Ишк сахросида Вафо дарахтига ёпишган парку каби бекарор; гоҳ умид насими, гоҳ хижрон самуми уни хар кўйга соладир. Шу сабабдан, “Ёр хажридин даво гулдин эмас”, дея гулзор сайридан воз кечган кўнгил гоҳида ўз гулрух нигори исини гулдан топади ва Яъкуб каби Юсуф хидини кўйлакда топганидек кўзи равшанлашади:

Гулдин ул гулрух исин топкач Навоий очти кўз,  
Ўйлаким, Яъкуб кўнглактин махи Канъон иси.

Куръонда келтиришича, карвон Мисрдан чиқиши биланок Яъкуб алайхиссалом байт ул-эхзон (Юсуф фирокида қурилган гамхона)да туриб, хузуридаги кишиларга: “Мен Юсуфнинг бўйини туймоқдаман. Агар мени ақлдан озган демасангизлар (Юсуф тирик, деган бўлур эдим”, – дейди. (Улар) айтдилар: Аллохга касамки, сен ўша эски хатойингда турибсан. Ушбу оятни Хусайн Воиз Кошифий “ишк ояти” деб атайди. Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам газалларининг бирида ана шу эски хатога нозик ишора қилиб ўтади:

Ишкро Эзад залоле хонд дар Куръон кадим,  
Эй муфассир, шарх кун, ин нуктаро таъвил чист?  
(Ишкни Тангри залол айтмиш Куръонда кадим,  
Эй муфассир, бер изох, бу нуктага таъвил надир?)

Кошифий тафсирида Юсуф биродарлари хакида яна куйидаги фикрларни ўқиймиз: “Бу ўн бир юлдуз (Юсуф тушида кўрган ой, куёш ва ўн бир юлдуз хакида гап кетмокда – О.Д) Юсуфнинг ўн бир ога-иниларига ишоратдир. Юсуф биродарларида ҳам пайгамбарлик нури зохир эди, аммо ўз иниларига нисбатан килмишлари пайгамбарлар ва уларнинг ахлларидан содир бўладиган гунохлардан эди. Бунинг хикмати шундадирким, айбсиз факат Биру Бор сифатли Парвардигорнинг Ўзидир, колган барча мавжудот гунохкор ва нуксонлидир.” Улардан бу хато ўтиши, юкорида айтиб ўтилганидек, зохирбинликларида. Юсуфни оталари кўзидан йироклашиш максадида арзимас бахога карвон савдогарларига сотиб юбориб, ўзлари Яъқуб олдида Юсуф макomini эгалламокчи бўладилар. Аммо бу Миср бозорида Юсуфни “бир калоба ип била” сотиб олишдек самарсиз уриниш эди. Юсуфсифат кишиларнинг хакикий бахоси хакида Навоий ёзади:

Керак куёш дирами танга бўлса байъона,  
Чу Юсуфумни ики дахрга бахо килсам.

Рус олимаси И.В.Стеблева таъкидлаганидек, “бадий санъатларни танлаб олиш ва кўллаш, улар канчалик мураккаб ва жозибатор бўлмасин, хамиша хеч бир истисносиз байтда айтилиши лозим бўлган мазмунни муносиб даражада ифодалаш учун восита бўлади. Образ яратишнинг ўзи максад бўлмайди...”  
Навоий шеърятисида зўрма-зўраки киритилган бирор образ, тимсол, сўз ё ибора йўк. Мутлако алокасиз кўринган деталлар ҳам аслида бир-бири билан кучли мантикий таносуб ёрдамида боғланган. Тимсоллар тахлили ва талкинида ҳам энг аввало, байтлар ўртасидаги мантикий муносабат ва газалнинг умумий руhini хисобга олиш зарур. Ўшанда талмех килинган образ айнан кайси поэтик функцияни бажаргани ойдинлашади. Акс холда, “юлиб олинган” байтдаги образ ва тимсолларнинг манбасини кўрсатиш ҳамда манбага таяниб, байтни тахлил килиш яна бирёклама карашларга замин бўлиб колиши хеч гап эмас. Албатта, куръоний образлар, юкорида кайд килиб ўтганимиздек, дунёвий маъноларни ифодалаш воситаси сифатида кўлланган такдирида ҳам ўз диний мохиятидан узоклашиб кетмайди, аммо бу омил диний охангдаги талкинни барча холатларда биринчи планга чиқариш ва шоирнинг бутун ижодини диний мезонларда бахолаш оркали уни диний акидаларнинг оддий таргиботчисига айлантириб кўйиш хавфини тугдиради. “Навоийни дин ва тасаввуфга атайин якинлаштириш ҳам саёзлик, бир ёкламалик, шеърхонни чалгитишдан ўзга натижа бермайди. Шоир шеърларида тасвирланган гоя, туйгу, образ, рухий манзараларни ўз номи билан айтишга эришиш, улар багридаги яширин маъно ва бадий сирларини тахлил тилида ифодалаш –

хакикатнинг бош мезони мана шудир.” Юсуфнинг образи ҳам факат тасаввуфий-ирфоний маъноларни ифода этувчи восита эмас, балки тириклик гўзалликлари, хаёт махбубаси хусну жамолини тавсифлашда ҳам кўл келганига мана бу тахлит байтлар далил бўла олади:

Тарк этиб савдо, анинг савдосига тушмиш улус,  
Киргали Юсуф жамолим сайр учун бозорга.

Навоий куръоний талмехлардан шунчаки бадийликни ошириш, лирик ифоданинг эмоционаллик хусусиятини кучайтириш учун эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ирфоний-фалсафий, тарбиявий-ахлокий гоёларини янада ёркинрок, янада таъсирчанрок ифода этиш йўлида ҳам изчиллик билан фойдаланган. Унинг талкинида, Юсуф киссаси – факат мухаббат достони эмас, балки ибрат намунаси ҳамдир. Жумладан, иззат-обрў топиш, умум эътирофига эришиш чексиз машаккат ва тинимсиз меҳнатни талаб этмогани Юсуф такдирига боғланган холда ифода этган:

Мисри иззат истабон зиндони гамдин кочмаким,  
Мохи Канъон тахтига боис мазаллат чоҳидур.

Биринчи назарда байтни хар кандай роҳат-фарогат кийинчилик ва кулфатлар эвазига хосил бўлиши, халк ибораси билан айтганда, “жон куйдирмасанг, жонона кайда”нинг шоирона ифодаси сифатида талкин килиш кифоядек туюлади. Аммо шуни ҳам хисобга олиш керакки, барчага маълум бўлган хакикатларни турли йўл ва усуллар билан ифода этиш Навоий даҳоси учун мутлақо бегона ходисадир. Колаверса, мумтоз шеърят, жумладан, Навоий ижодиёти билим даражаси саёз китобхонга эмас, балки ўша давр тафаккур хазинасидан етарлича бахраманд бўлган, фикри теран, тасавури дақик ўқувчига мўлжалланган. Навоийдек тенгсиз мутафаккир шоирнинг шеърини жўн хулосалар билан умумлаштириш “ўзинию халкни гумроҳ этиш” билан баробар. “Мисри иззат” истиораси – Юсуфнинг Мисрда топган шон-шавкати, Миср шахрининг азизи-хукмдорлигига эришган даврига талмех бўлса, “зиндони гам” ибораси оркали Зулайхо тухматлари туфайли хиёнатга айбланиб, етти йил зиндонда ётганига ишора килади. “Мисри иззат” ибораси шаклланишида пайгамбаримиз (сав)дан ривоят килинадиган куйидаги хадис ҳам асос–манба сифатида хизмат килган: “...Одамларнинг (Аллох таоло қошида) энг иззат-икромлиси (Иброҳим) Халилуллох ўгли (Исхок) набиюллох ўгли (Яъқуб) набиюллох ўгли Юсуф набиюллохдурлар.” Иккинчи мисрада “мазаллат чоҳи” – ога-инилари томонидан кудукка ташланган “мохи Канъон” – Юсуфнинг пайгамбарлик рутбасига мушарраф бўлгани ва кирк йилдан сўнг кўрган туши хакикатга айлангани фикр тасдиғига хизмат килади.

“Тарихи анбиё ва хукамо”да Юсуф киссаси куйидаги вокеа билан бошланади: “Юсуф (а) бани Одам жинсининг жамилрогидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб, андоки хусн истигною гуруга муктазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен кул бўлсам эрди, менинг бахомни ким бера олгай эрди. Чун бу хаёл далолат бемислликка килур, улким, “лайса камислихи шайъун ва хува самиъул-басир” анинг шаънидадур. Хак таоло гайрат кўргузуб, андок килдиким, оголари Юсуфни ўн ети калб дирамга соттилар... Ул кофиланинг улуги... Молик бу савдодин масрур эрдиким, Мисрда анинг бахосидин суд мутасаввар эрди. Юсуф (а)да заъф ва шикасталик ул мартабада эрдиким, Моликнинг ул сўзини эшитиб, ўз-ўзи била айтур эрдиким, бу мусулмонким менинг бахомдин ўзин хуррам килибдур, бу хол билаким менмен ики окчага олгайларкин ул олибдур.”

Юсуф (а)нинг “мазаллат чохи”га тушиши гурур ва истигноси боис бўлди. Аммо унинг кейинги хаёти бало келганда сабр килган ва Худони эсдан чикармаган банда учун хар бир хорлик, кийинчиликлар замирида илохий мукофот, ажру савоблар борлигининг тасдик намунасибир. Жалолиддин Даввоний буюрганидек, “Бало – Илохий имтихондир, кимки балога сабр килса, Парвардигор иноятдан бенасиб колмагай... Парвардигор Фиръавнга Миср подшолигини имтихон тарикасида берди, алалокибат ширкка юз бурди, Юсуфни Яъкуб дийдоридан бенасиб килди, кудук ичида илохий вахий саодатига мушарраф айлади ва балоларга кўрсатган сабрининг мукофоти тарикасида Мисрда азиз этди”.

Демак, хакикий обрў-эътибор, иззат-эхтиром “зиндони гам” асирлари, “ўз нуксини исбот айлаган” ориф кишиларгагина насиб этади. Аксинча, осонлик билан эришилган машхурлик аслида, каллоблик, маънавий муфлисликнинг мисини чикаришда бир воситадир. Юсуфнинг тахт сохиби бўлиши хам Ботин Олами асроридан хабардор бўлгани туфайли эканлигига ишора килиш оркали шоир маънавий камолот халк ва Хак олдида эътибор топишнинг бирламчи шарти эканлигига алохида ургу беради. Навоий учун пайгамбарлар – энг аввало, маънавий баркамоллик, илохий рухониятдан файз топган зотлар, комиллик намуналари. Инсон номини шарафлаган бу буюк шахсиятларнинг хаёти, фаолияти, сўзлари барча учун ибрат намунасибир. Шунинг учун, Шарк шеърляти, жумладан, Навоий ижодиётининг ажралмас кисми сифатида шаклланган пайгамбарлар образини тахлил ва талкин этиш, шубхасиз, бу ноёб хазинанинг маънавий дурдоналаридан янада кўпрок бахраманд бўлишга ёрдам беради.

Олимжон Давлатов,  
ТошДШИ тадкикотчиси.